

Умар розияллоҳу анҳунинг хавфлари | Тазкия дарслари (243-дарс)



19:00 / 20.08.2023 2284

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Аллоҳ таолонинг азобидан юқори даражада хавф қилиб турадиган инсон эдилар. У киши ўзларининг фазллари ва қилган амалларига ҳеч қачон суюниб қолмас эдилар. Доимо Аллоҳ таолонинг раҳм қилишини тилаб турар эдилар.

لَأَقْهَنَعُلَالِيَضَرَرَمُونَ
إِيمَسْلَانِمَدَانُمْوَلَيْ
نُولَخَادُمُكَنِإِسْانَلَايَأَ
لُجَرَالِإِنْوَعْمَحَأَمُكُلُكَةَنَجَلَ
أَنَّوْلَأَنَّأَتْفَحَلَوْدَحَأَوَ

سُّانلَا ٰهِيَ أَدَانْ وَلَوْ
جَرَّالِ رَانلَنْ وُلخَادْ مُكْنِإ
وَهَانَأْ نُوكَنْ تَوجَرَلْ دِحَاوْ

Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Агар бир нидо қилувчи осмондан нидо қилиб:

«Эй одамлар! Албатта, бир кишидан бошқа барчангиз жаннатга
кирувчиласиз!» деса, мен ўша одам эмасмиканман, деб қўрқаман.

Агар бир нидо қилувчи нидо қилиб:

«Эй одамлар! Албатта, бир кишидан бошқа барчангиз дўзахга
кирувчиласиз!» деса, мен ўша одам бўлсам, деб умид қиласман».

هُلَلِي ضَرَرَمْعَنْ بَارَنَع
أَبَأْي قَلَرَمْعَنْ أَمْهَنَع
هَلَلَاقَفْ يَرْعَشَلَاسْوُمْ:
أَنَّكُرُسَيَا ، يَسْوُمْ أَبَأْي
لُوسَرَعَمَنَّكَ يَذْلَلَكَلَمَعْ
تَجَرَخَكَنَأْوَهَكَلَصُلَخَهَلَلَأ

هَرْيَخْ ۚ أَفَكَ لَكَلَمَعْ نَم
أَفَكَ هَرْيَخْ بِهَرْشَ وَهَرْشَ ب
أَيْ أَلْ ۖ لَاقْ ۖ كُلْيَلَعْ أَلْوَلَكَلَلَل
دَقَلَهَلَلَاوَهَنِي نَمْؤُمْلَا رِيمَأْ
ءَافَجَلَأَنْأَوَهَرْصَبْلَا تْمَدَق
مُهْتَمْلَعَفِ شَافَلْمَهِي ف
مِهِبُ تْوَزَعَ وَهَنْسَلَا وَهَنْأُرْقَلَا
يَنِإِوَهَلَلِلِي بَسِيْف
لَاقْ هَلْضَفَ لَكَلَذَبْ وُجْرَأَل
تْجَرَخْ يَنِأَتْدَوْنَكَلْ بُرْمُع
هَرْشَ وَهَرْشَ بِهَرْيَخْ يَلَمَعْ نَم
أَلْوَيَلَعْ أَلْ ۖ أَفَكَ هَرْيَخْ ب
عَمِيَلَمَعِيَلَصُلَّخَوِيَل

۹۰۰ سر لوله ملخ صور

Ибн Умар розияллоҳу анхумодан ривоят қилинади:

«Умар розияллоҳу анҳу Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳу билан учрашиб қолди ва:

«Эй Абу Мусо! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бўлган амалларинг холис қолиб, бошқа амалларингдан учма-уч чиқсанг. Яхшиси ёмони билан, ёмони яхшиси билан учма-уч бўлса-ю, сенинг фойдангга ҳам, зарарингга ҳам бўлмаса. (Шу) сени хурсанд қиласдими?» деди.

Абу Мусо:

«Йўқ! Эй мўминларнинг амири, Аллоҳга қасамки, Мен Басрага келганимда ботил кенг тарқалган экан. Мен уларга Қуръонни ва Суннатни ўргатдим. Улар ила Аллоҳнинг йўлида ғазот қилдим. Мен ўшалар ила У Зотнинг фазлини умид қиласман», деди.

Умар розияллоҳу анҳу:

«Лекин мен ўз амалимдан яхшиси ёмони билан, ёмони яхшиси билан учма-уч бўлиб, менинг фойдамга ҳам, зараримга ҳам бўлмасдан учма-уч чиқишини ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бўлган амалимнинг ўзимга холис бўлишини хуш кўраман», деди».

Ибн Асокир ривоят қилган.

Ҳофиз Абу Бакр Абу Дунё ривоят қиласдиларки, бир куни кечаси ҳазрати Умари Одил ўз одатларига кўра Мадинаи Мунаввара кўчаларини айланиб юрган эканлар. Мусулмонлардан бирларининг ҳовлиси ёнидан ўтиб кетаётиб, ҳовли эгасининг намоз ўқиётганини эшитибдилар. Тўхтаб, қироатга қулоқ солибдилар. Уй эгаси «Ват-Тур»ни ўқиб,

دَافِعٌ مِنْ لَهُ، مَا لَوْقُعُ رِبِّكَ عَذَابٌ إِنَّ

«Албатта, Роббингнинг азоби рўй беражак. Уни қайтарувчи йўқдир» га етганда, ҳазрати Умар: «Каъбанинг Робби ила қасамки, бу ҳақ қасамдир», дебдилар ва эшакларидан тушиб, деворга суюниб қолибдилар. Бир муддат шу ҳолатда туриб, сўнг уйларига қайтибдилар.

Шундан кейин у киши бир ой касал бўлиб ётган эканлар. Йўқлаб келганлар у кишининг нима билан оғриётганларини билмас эканлар. Қуръон пок ва таъсирчан қалбларга ана шундай таъсир кўрсатган.

«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди